

Жаҳонгир РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
Академияси магистранти,
Тошкент ислом институти ўқитувчиси

ҲАФС ИБН СУЛАЙМОН ДУНЁДА ЭНГ КЕНГ ТАРҚАЛГАН ҚИРОАТНИНГ РОВИЙСИ

Ўтган сондаги “Машҳур қироат имоми Осим ҳақида” номли мақолада айтиб ўтилганидек, “қироат” (الْقِرَاءَات) луғатда “жамламоқ”, “қўшмоқ”, “ўқимоқ”, “қироат қилмоқ” маъносидаги “қироах” (قِرَاءَة)нинг кўплик шаклидир. Истилоҳда: Қуръон нутқида қори имомлар турли йўналишда бўлиши.

Расулulloҳ (с.а.в.) ҳаётлик чоғларида кўплаб саҳобалар қироат илмида пешқадам бўлдилар. Имом Заҳабий “Табақот ал-кубро” асарида шундай дейди: “Саҳобалардан Қуръон ўқитишда энг машҳурлари еттидир. Улар Усмон, Алий, Убай, Зайд ибн Собит, Ибн Масъуд, Абу Дардо, Абу Мусо Ашъарий (р.а.)дир. Масалан, Убай (р.а.)дан бир қанча саҳобийлар Қуръон қироатини ўрганишган. Жумладан, Абу Ҳурайра, Ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Соиб (р.а) шулар қаторига қирадилар. Ибн Аббос шунингдек, Зайддан ҳам қироатни ўрганган”.

Мазкур саҳобийлар турли шаҳарлардан келган кўплаб тобеинларга қироат илмидан сабоқ берганлар. Кейинчалик тобеинлар орасидан ҳам бу илмда пешқадамлар етишиб чикди. Уларнинг барчаси муттасил силсила билан Расулulloҳ (с.а.в.)га боғланадилар. Ҳижрий қисман биринчи асрнинг охири, иккинчи асрда тобеинлардан бўлган бир қанча уламолар қироатларни тартиблашга киришдилар. Улар қироат илмини бошқа ислом илмлари каби мустақил илмга айлантира олдилар. Чунки, замон зайли шуни талаб қилар эди. Натижада,

тобеинлар орасидан ҳам эргашиладиган ва уларни қасд қилиб сафар қилинадиган буюк устозлар сони кўпайиб борди.

Ўша даврда ишончли, омонатдор, умри давомида қироатни ўрганиш ва ўргатишни маҳкам ушлаган, ҳамма ундан ишонч билан таълим олган, санади Расулulloҳ (с.а.в.)га узлуксиз силсила билан боғланган, қироат илмида машҳур бўлган умумий ўнта қироат имомларининг қироатлари мутавотир¹ эканига уламолар иттифоқ қилдилар. Ушбу қироат имомларининг иккитадан машҳур шогирдлари бўлиб, улар бу қироатларни ривоят қилганлар.

Ушбу мақолада дунёда энг кенг тарқалган ўнта қироат имомларидан бири Осимнинг машҳур шогирди, мазкур Осим қироатининг ровийси бўлмиш Ҳафс ибн Сулаймон ҳақида сўз юритилади. Юртимизда ҳам асрлар давомида айнан шу қироатнинг Ҳафс ривояти асосида тиловат қилинади.

ҲАФС ИБН СУЛАЙМОН

(ҳижрий 90-180, милодий 709-796)

Тўлиқ исми Абу Амр Ҳафс ибн Сулаймон ибн ал-Муғира ал-Куфий ал-Баззо. У зотни Ҳафс ибн Абу Довуд, яна Ҳуфайс деб ҳам атаганлар. Ҳижрий 90-йил, милодий 709-йилда

¹ Мутавотир – ёлгонга келишиб олиши имкони бўлмаган, катта жамоат нақл қилган ва Расулulloҳ (с.а.в.)га муттасил силсила билан боғланган қироат.

таваллуд топган². Асли араб эмас, балки Бану Асад қабиласининг озод қилинган қулларидан.

Ҳафс умавий³ халифалар Валид ибн Абдулмалик (ҳиж. 86-96 / мил. 705-714), Сулаймон ибн Абдулмалик (ҳиж. 96-99 / мил. 714-717), Умар ибн Абдулазиз (ҳиж. 99-101 / мил. 717-719), Язид ибн Абдулмалик (ҳиж. 101-105 / мил. 720-723), Ҳишом ибн Абдулмалик (ҳиж. 105-125 / мил. 723-742), Валид ибн Язид ибн Абдулмалик (ҳиж. 125-126 / мил. 742-743), Язид ибн Валид (ҳиж. 126 / мил. 743), Иброҳим ибн Валид (ҳиж. 127 / мил. 744), Марвон ибн Муҳаммад (ҳиж. 127-132 / мил. 744-750), даврида, аббосий⁴ халифалардан Абул Аббос ибн Муҳаммад (ҳиж. 132-136 / мил. 750-754), Абу Жаъфар Мансур (ҳиж. 137-158 / мил. 754-775), Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (ҳиж. 158-169 / мил. 775-785), Мусо ибн Муҳаммад (ҳиж. 169-170 / мил. 785-786), Ҳорун ибн Муҳаммад (Ҳорун ар-Рашид) (ҳиж. 170-193 / мил. 786-809) даврида яшаган. Бу давр Мовароуннаҳр, Сицилия, Синд, Арманистон, Испания, қисман Франция каби кўплаб мамлакатлар фатҳ қилинган давр сифатида тарих саҳифаларида алоҳида кўзга ташланади. Бундан ташқари, Ҳафс ибн Сулаймон яшаган даврда Куфа илм-маърифат марказларидан бири бўлган. Турли илмларда кўплаб олимлар етишиб чиқди. Жумладан, Ҳафс Куфанинг қозиси Абу Бурда ибн Абу Мусо Ашъарий⁵, мазҳаббоши Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит⁶, муҳаддис Муоз ибн Муслим, Жаъфар ас-Содик⁷, Али ибн Ҳамза

ал-Кисой⁸, Абу Жаъфар ар-Руасий⁹ каби йирик куфалик олимлар билан замондош бўлган. Куфа аббосийлар халифалигининг дастлабки даврида пойтахт ҳам бўлган. Кўплаб йирик олимлар Куфадан етишиб чиққан бўлсалар-да, илмий марказлардан бири бўлгани сабабли Куфага олим ва талабалар интилишган.

Илмий салоҳияти: Ҳафс Куфа аҳлининг қорисидир. У етти машхур мутавотир¹⁰ кироат имомларидан бири Осим ибн Абу ан-Нажуднинг машхур икки ровийларидан бири бўлиб, Осим кироати бўйича моҳир билимдонлардан бўлган. Ҳаёти давомида Осимдан кўп марта Қуръонни такрор ўтказган. У асли Осимнинг ўғай ўғли бўлиб, турмуш ўртоғининг фарзанди ўларок бир ҳовлида яшаган.

Уламолар Ҳафсни Абу Бакр ибн Аййош¹¹дан ҳифзда устун деб билишар эди. Устозига ўта маҳорат ва ҳарфларни мустаҳкам қилиб Қуръонни ўқиб берган Ҳафс кўп йиллар кироатдан таълим берган. Айниқса Бағдодга келганда у ердаги катта жамоат у кишидан таълим олган. Бундан ташқари, у Маккада ҳам таълим берган¹².

Муҳаммад ибн Саъд ал-Авфий отасидан шундай деганини айтади: “Бизга Ҳафс ибн Сулаймон сўзлар эди. Агар уни кўрганингизда, кўзингиз ундаги фаҳм ва илм сабабли нурга тўлган бўларди”¹³.

Яҳё ибн Маъин айтади: “Осимдан ривоят қилинган энг тўғри ривоят – Абу Умар Ҳафс ибн Сулаймоннинг ривоятидир”¹⁴.

² Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Алий ибн Жазарий. “Ан-нашр фий ал-қироат ал-ашр”. – Жидда, Саудия Арабистони: “Дор ал-худо” нашриёти, 1994. 1-жилд. – Б. 156.

³ Умавийлар халифалиги тўрт рошид халифа даври тугагандан сўнг, ҳижрий 41-32, милодий 661-750 йиллар, 91 йил давомида бўлган. Ушбу давр мобайнида 14 халифа фаолият олиб борган. Дамашқ умавийларнинг пойтахти бўлган.

⁴ Аббосийлар халифалиги умавийлар халифалиги тугатилганидан сўнг, ҳижрий 132-656, милодий 750-1258 йиллар давомида бўлган.

⁵ Абу Бурда ибн Абу Мусо Ашъарий (ваф. ҳиж. 103) факих, муҳаддис тобеинлардан. Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий даврида Куфа қозиси. “Жаможим” жангидан сўнг қозиликдан истеъфога чиққан.

⁶ Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит Куфий (ҳиж. 80-150) буюк факихлардан. Тўрт мазҳабдан бирининг имоми. Саҳобийлар, жумладан, Анас ибн Молик билан кўришган.

⁷ Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Муҳаммад ас-Содик (ҳиж. 80-148). Йирик уламолардан. Ҳусайн ибн Алининг зурриётларидан.

⁸ Абул Ҳасан Али ибн Ҳамза ибн Абдуллоҳ ал-Кисой (ҳиж. 119-189). Куфа шахрининг наҳв илмида устози ва Куфанинг наҳв мактабини асосчиси. Етти кироат имомларидан бири.

⁹ Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳасан ар-Руасий ал-Куфий (ваф. ҳиж. 187). Шоир, луғат ва наҳв илми олими. Ҳорун ар-Рашиднинг даврида вафот этган.

¹⁰ Мутавотир – ёлғонга келишиб олиши имкони бўлмаган катта жамоат нақл қилган кироат.

¹¹ Осим кироатининг машхур икки ровийсидан биринчиси. Шуъба номи билан машхур.

¹² Абул Хайр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Алий ибн Жазарий. “Ан-нашр фий ал-қироат ал-ашр”. – Жидда, Саудия Арабистони: “Дор ал-худо” нашриёти, 1994. 1-жилд. – Б. 156.

¹³ Доктор Тоҳа Фарис. “Тарожим ал-қурро ал-ашр ва рувватихим ал-машхурин”. – Байрут: “Муассасах ар-Райён” нашриёти, 2014. – Б. 170.

¹⁴ Абул Хайр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Алий ибн Жазарий. “Ғоя ан-нихоя фий табақот ал-қурро”. – Байрут: “Дор ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 2006. 1-жилд. – Б. 254.

Имом Заҳабий айтади: “Ҳафс кироатда ишончли ва мустаҳкам. Лекин ҳадис айтишда ундай эмас”¹⁵.

Ибн Мужоҳид айтади: “Ҳафс ва Абу Бакр (Шуъба) 520 та ҳарфни бир-биридан фарқли ўқиган. Ҳафс кироатда устози Осимдан фақатгина бир ўринда бошқача ўқиган. У куйида келтирилган Рум сураси, 54-оят:

اللّٰهُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ ضَعْفٍ ثُمَّ جَعَلَ مِنْ بَعْدِ ضَعْفٍ قُوَّةً ثُمَّ جَعَلَ مِنْ بَعْدِ قُوَّةٍ ضَعْفًا وَشَيْبَةً

Ҳафс ушбу оятдаги (ضَعْفٍ) ва (ضَعْفًا) лафзларидаги ض ҳарфини замма “ҳаракат”и билан (ضَعْفٍ) ва (ضَعْفًا) қилиб ўқиган. Осим эса фатҳа “ҳаракат”и билан ўқийди¹⁶.

Устозлари: Осим ибн Абу ан-Нажуддан кироат илмини олган. Ҳафснинг Осим кироатидаги санади Али ибн Абу Толиб (р.а.) га бориб тақалади.

Ҳафсдан ривоят қилинишича, у Осимга: “Абу Бакр¹⁷ мендан бошқача ўқияпти”, деди. Шунда Осим: “Сени Абу Абдурахмон ас-Суламий¹⁸ мени ўқитгани бўйича ўқитдим. У кироатни Али ибн Абу Толибдан олган. Абу Бакрни эса Зирр ибн Ҳубайш¹⁹ мени ўқитгани

¹⁵ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. “Маърифат ал-қурро ал-кибор алат-табақот вал-аъсор”. – Истанбул, Туркия: “Ал-буҳус ал-исломийя” нашриёти, 1995. 1-жилд. – Б. 140.

¹⁶ Абул Хайр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Алий ибн Жазарий. “Ғоя ан-нихоя фий табакот ал-қурро”. – Байрут: “Дор ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 2006. 1-жилд. – Б. 254.

¹⁷ Абу Бакр ибн Айёш (Шуъба). Осим кироатининг машҳур икки ровийсидан биринчиси.

¹⁸ Абдуллоҳ ибн Ҳабиб ибн ас-Суламий (ваф. ҳиж. 74.) Куфанинг кироат имомларидан. Саҳобаларнинг авлодларидан. Катта тобеинлардан. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг замонларида таваллуд топган бўлиб, отаси саҳобий бўлган. Кироатни Усмон ибн Аффон, Алий ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳумдан олган. Куфадаги катта масжидда қирқ йил инсонларга кироатдан таълим берган. Ибн Мужоҳид айтади: “Куфада ижмоъ қилинган кироатдан ўқитган энг аввалги инсон Абу Абдурахмон ас-Суламийдир. Усмон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган машҳур ҳадис: “Сизларнинг энг яхшингиз Куръонни ўрганган ва ўргатганингиздир”ни ровийсидир. Ҳажжж ибн Юсуф Сакофийнинг замонида вафот этган.

¹⁹ Зирр ибн Ҳубайш ибн Ҳабоша ибн Авс ал-Асдий сўнгра ал-Ғодидий (ваф. ҳиж. 83.) катта тобеинлардан. Абу Абдурахмон ас-Суламий билан бирга Куфада кироатни таълим берган. Жоҳилият ва исломни кўрган. Лекин

бўйича ўқитдим. У эса кироатни Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан олган”.

Шогирдлари: Амр ибн ас-Соббах (Ҳафснинг яқинларидан бўлган), укаси Убайд ибн ас-Соббах, Абу Шуайб Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Қаввос, Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Воқид, Абу Шуайб ал-Қаввос, Халаф ал-Ҳаддод ва бошқалар Ҳафсдан кироат илмини ўрганганлар.

Ҳадис илмидаги мартабаси: Ҳафс устози Осим ибн ан-Нажуд, Алқама ибн Марсад, Собит ал-Бунаний, Абу Исҳоқ ас-Сабитий, Касир ибн Зозон, Муҳориб ибн Дисор ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

Бакр ибн Баккор, Одам ибн Абу Иёс, Ҳишом ибн Аммор, Амр Ноқид ва бошқалар Ҳафсдан ҳадис ривоят қилишган.

Ҳадис илми уламоларнинг аксари уни ҳадис ривояти илмида заиф санашган.²⁰ Жумладан, Имом Бухорий “У ривоят қилган ҳадислар олинмаган”, дейди. Имом Муслим: “(Ҳадисда) ишончли эмас”, дейди.

Шундай бўлса-да, Термизий, Насоий ва Ибн Можа Ҳафсдан “тахриж”²¹ қилиб ҳадис ривоят қилишган.

Вафоти: Ҳижрий 180-йил, милодий 796-йил 90 ёшда (баъзи ривоятларда 80 ва 90 ёш ўртасида) вафот этган.

Ҳафс кироатининг кенг тарқалиш сабаблари ҳақида

Даставвал, ҳар бир имомнинг кироати ўз даврида ўзи яшаган ҳудудда тарқалган. Лекин тарихий жараёнлар натижасида кироатларнинг тарқалиш харитаси ўзгарди. Натижада, бугунги кунда Ҳафс ибн Сулаймоннинг Осим ал-Куфий (юқорида таржимаи ҳоллари ўтди)дан қилган ривояти энг машҳур ва оламда энг кенг тарқалган кироат ҳисобланади. Жумладан, Марказий Осиё, хусусан, юртимизда асрлар

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрмаган. Катта саҳобийлардан таълим олган. 120 йил яшаган. Дайрул-жаможим жангида вафот этган.

²⁰ Доктор Тоҳа Фарис. “Тарожим ал-қурро ал-ашр ва рувватиҳим ал-машҳурин”. – Байрут: “Муассасаҳ ар-Райён” нашриёти, 2014. – Б. 174.

²¹ “Тахриж ал-ҳадис” – имомлар ва ҳадис илмидаги мўътабар уламолардан ҳадис ривоят қилган кишига ҳадисни нисбат бериш.

давомида Қуръони карим айнан Ҳафс қироати қоидалари асосида ўқилади.

Ҳафс қироатидан сўнг, Варшнинг Нофеъ ал-Маданийдан қилган ривояти кенг тарқалган. Ушбу қироат Мағриб диёрлари, Африканинг ғарби ва Миср, Ливия, Тунис ҳамда Чад мамлакатларининг баъзи ҳудудларида тарқалган.

Варш қироатидан сўнг, Абу Умар ад-Дурийнинг Абу Амр ибн ал-Ало ал-Басрийдан қилган ривоятидаги қироат, Сомали, Судан, Чад, Нигерия ва Африканинг бир қанча ҳудудларида кенг тарқалган.

Мазкур қироатлардан сўнг, Қолуннинг Нофеъдан қилган ривоятидаги қироат Ливия ва Туниснинг аксар ҳудудларида тарқалган.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Усманийлар халифалиги дунёнинг аксар қисмини бошқарган вақтида мусхафларни Ҳафснинг Осимдан қилган ривоятидаги қироатга таяниб нашр қилган ва уларни тарқатган. Шу қироат асосида таълим бериш ва

таълим олишни йўлга қўйган. Натижада, ушбу қироат кенг тарқалган. Усманийлар халифалиги парчалангандан сўнг бошқа мусулмон мамлакатларида ҳам айнан Ҳафснинг Осимдан қилган ривоятидаги қироат асосида мусхафлар нашр этиш давом этган. Натижада, баъзи бошқа қироатлар кенг тарқалмагани сабабли фақатгина шу қироатлар мутахассис қориларнинг ўзидагина қолган. Лекин, Қуръон ходимлари бу қироатлар илмини қайта тирилтиришга киришдилар ва талабалар ўртасида кенг тарқата олдилар. Бугунги кунда қироатларни ёдлаган ва уни билиб, унда мутахассис бўлганлар сони кўпайиб кетди²².

Шунингдек, Имом Ҳафс қўплаб шаҳарларга бориб қироатдан таълим бергани, унинг қироатини ўзлаштириш қоидалари осон ва енгил бўлгани сабаб унда қироат қиладиганлар сонининг ошишига сабаб бўлган.

²² Доктор Тоҳа Фарис. “Тарожим ал-қурро ал-ашр ва рув-ватихим ал-машхурин”. – Байрут: “Муассасах ар-Рай-ён” нашриёти, 2014. – Б. 174.

Ҳафс ибн Сулаймоннинг қироатдаги шажараси

